
ДАДАҚҮЗИ ХОЛДОРИВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИ АЪЛОЧИСИ КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ.

Данғара тумани халқ таълими тасарруфидаги 10-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларидан ташкил топган “ Темурий издошлари ” жамоси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилоятида бўлиб ўтган “Ёш чегарачилар” ҳарбий спорт мусобақасида фахирли ўринларни эгаллаб келишган.

Шу муносабат билан 10-умумий ўрта таълим мактаби директори Дадақүзи Холдорив Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари аълочиси кўкрак нишони билан тақдирланди. Тадбир бошида Давлат хавфсизлик хизмати раиси ўринбосари чегара қўшинлари қўмондони С.Э.Хусановнинг ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган миннатдорчилик табриги ўқиб эшилтирилди.

Тадбирда туман ҳокими, туман халқ қабулхонаси мудири ҳамда вилоят халқ таълими бўлими бошлиғи иштирок этиб йиғилганларга бугунги кунда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун яратиб берилаётган имкониятлар хақида гапириб ўтди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook](#),

2021-10-05 17:49:59